2 1-155 I-XII

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

XДP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2016-yil, 1-yanvar. Juma • 1 (32.060) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Азиз ватандошларим!

Мана шу файзли оқшомда байрам дастурхони атрофида тўпланиб ўтирган сиз, ҳурматли юртдошларимни, бутун Ўзбекистон халқини янги — 2016 йил билан самимий муборакбод этиб, барчангизга тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга қут-барака тилашни ўзим учун катта бахт, деб биламан.

Мана, азизларим, қадрдонларим, бугун биз вақтнинг азим дарёдек шиддат билан ўтишига яна бир бор гувоҳ бўлиб, янги йилга, ҳаётимизнинг янги бир довонига қадам қўймоқдамиз.

Айни шу лаҳзаларда ўтаётган йилни кузатар эканмиз, йил давомида бошимиздан кечирган, ён атрофимизда бўлиб ўтган ташвишли ва қувончли воқеаларни, амалга оширган ишларимизни беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтказамиз, шу кунларга етказгани учун Яратганимизга шукроналар билдирамиз.

Мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган беқиёс ўзгаришларни, хонадонларимиз, маҳалла, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимизнинг қиёфаси тобора обод ва гўзал бўлиб бораётганини ҳисобга олиб, охирига етаётган йилимизга якун ясаб, холисона айтадиган бўлсак, 2015 йил биз учун ҳар томонлама хосиятли ва файзли бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Буларнинг тасдиғи ҳақида гапирганда, рухсатингиз билан айрим мисол ва рақамларни келтиришни ўринли, деб биламан.

Кейинги 11 йил давомида мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, шу жумладан, 2015 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаганининг ўзи, ҳақиқатан ҳам, тарихий бир воқеадир, десак, адашмаган бўламиз.

Иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал тараққий топаётгани, юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналарнинг ишга туширилаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётгани, ахборот-коммуникация тизимларининг ҳаётимизга фаол жорий этилаётгани, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг дунё бозорида рақобатдошлиги ортиб бораётгани — буларнинг барчаси биз эришаётган ютуқларнинг мустаҳкам пойдеворини ташкил этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг, турли қийинчиликларга қарамасдан, 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тонна пахта, 14 миллион 500 минг тоннага яқин сабзавот ва полиз, 4 миллион 300 минг тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштиргани бозор ва дўконларимиздаги мўл-кўлчиликни, нарх-навонинг меъёрида бўлишини таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилди ва бунинг учун дала меҳнаткашларига ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Ана шундай салмоқли натижаларимиз 2015 йилда аҳолимизнинг реал даромадларини 9,6 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини 21,9 фоизга ошириш имконини берди.

Шулар қаторида халқимизнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, турли гуманитар тармоқларни янги, замон талаб қиладиган босқичга кўтариш биз учун доим устувор йўналишлар қаторида бўлиб келмоқда.

Лекин, агар бугунги замон қандай шиддат билан ўзгариб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу соҳаларга, аввало, таълим-тарбия соҳасига эътиборимизни янада кучайтиришимиз даркор.

Чунки замон ўзгариши билан одам, инсон ҳам ўзгаради, унинг дунёқараши, ҳаётга, ҳаётдаги ўз роли ва бурчига муносабатлари ва қарашлари бир ҳолатда турмайди.

Айниқса, катта ишонч билан ҳаётга кириб келаётган азиз фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга ошираётган дастурларимиз биз олдимизга қўйган буюк мақсадларга жавоб беришига ишончимиз мустаҳкам бўлиши зарур.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, биз дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторига кўтарилишни энг юксак мақсадимиз сифатида қўйган эканмиз, бундай ўта муҳим ва масъулиятли вазифа, аввалламбор, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва тажрибага эга бўлган, мустақил фикрлайдиган, ватанпарварлиги ва ҳозирлиги билан ажралиб турадиган ёш авлодимиз зиммасига тушади.

Ўртага қўйилган бундай улкан вазифанинг нақадар чуқурлигини ва масъулиятини ҳисобга оладиган бўлсак, таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришда маблағимизни ҳам, ўзимизни ҳам аямаслигимиз керак, деб ўйлайман.

Азиз дўстларим, қадрли юртдошларим!

2015 йил мобайнида мамлакатимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, жаҳон майдонида Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш йўлида янги-янги марраларни забт этганимиз, халқаро миқёсдаги нуфузли рейтингларда Ўзбекистоннинг юқори ўринларни эгаллаётгани ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Тасаввур этишнинг ўзи ҳам қийин бўлган ана шундай улкан ютуқларимизни сарҳисоб қилиб, «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган нуқтаи назардан босиб ўтган йўлимизни баҳолар эканмиз, тўла ишонч билан айтмоқчиман: бундай юксак муваффақиятларнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган, ана шу натижаларга эришиш йўлида машаққатли синовларда тобланган, мард ва танти халқимиз олдида, барча-барча ватандошларимиз олдида чин қалбдан таъзим қилишни ўзим учун катта шараф деб ҳисоблайман.

Муҳтарам дўстлар!

Мана шундай ҳаяжонли ва шукуҳли дамларда ҳар қайси инсон янги йилни кутиб олар экан, айни шу дақиқаларда қалбида, юрагида сақлаб келаётган эзгу орзу-умидларнинг ушалишини, оиласи, яқинлари, она юрти тинч-омон бўлишини, янги йил янада хайрли ва баракали бўлишини хаёлидан ўтказади.

Ишончим комилки, кириб келаётган 2016 йилимиз 2015 йилга нисбатан кам бўлмасдан, хосиятли ва самарали бўлишига тўлиқ асосларимиз бор. Бунинг учун олдинги йилларда мамлакатимизда ҳар томонлама мустаҳкам замин — пойдевор ташкил қилингани ҳеч кимга сир эмас. Шу билан бирга, кутилаётган турли қийинчилик ва тўсиқларни енгиш учун биз катта тажрибага эгамиз.

Мавжуд бўлган тўсиқ ва муаммолар ҳақида гапирганда, аввало, ташқи томондан пайдо бўлаётган омиллар, яъни, глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётгани, дунё бозорларида вазият ноаниқ бўлиб қолаётгани, терроризм ва экстремизм балоси тобора кучайиб бораётганини ва бундай оғир муаммолар жаҳондаги кўпгина давлатлар бошига катта бир савдо бўлиб, шу жумладан, бизнинг елкамизга ҳам тушганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Бундай вазиятга қарамасдан, бизнинг прогноз ва ҳисоб-китобимиз шуни кўрсатадики, кириб келаётган 2016 йилда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 7,8 фоизга, аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлари 9,5 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг миқдори турли манбалар ҳисобидан 15 фоизга ошиши кутилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2016 йилда давлат бюджетида илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт тармоқларини ўзида мужассам этган ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфланадиган маблағлар 2015 йилда ўзлаштирилган маблағларга нисбатан анча кўпроқ бўлиб, давлат бюджети умумий харажатларининг 59,1 фоизини ташкил этади.

Кириб келаётган йилда барча молиявий манбалар ҳисобидан иқтисодиётимизга 17 миллиард 310 миллион доллар миқдоридаги капитал қўйилмалар йўналтирилиб, уларнинг 23,5 фоизини чет эл инвестициялари ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, янги — 2016 йил кўпгина кўрсаткичлар бўйича якунига етаётган 2015 йилга нисбатан кам бўлмасдан, балки кўп соҳаларда ундан анча юқори ва зиёда бўлиши мўлжалланмоқда.

2016 йилда умумий қиймати 5 миллиард 500 миллион доллар бўлган 164 та йирик ишлаб чиқариш объектида қурилиш ишларини якунига етказиш ва уларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Шулар қаторида Толлимаржон иссиқлик электр станциясида ҳар бирининг қуввати 450 мегаватт бўлган иккита буғ-газ турбинаси, Ангрен иссиқлик электр станциясида 150 мегаватт қувватга эга бўлган энергия блоки қурилишини ниҳоясига етказиш, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 70 минг тонна мис ишлаб чиқарадиган металл эритиш корхонасини барпо этиш каби ўта муҳим лойиҳалар борлигини таъкидлаш лозим.

2016 йилда хитойлик шериклар ёрдамида Қамчиқ довонини кесиб ўтадиган 19 километрлик туннель қурилишини тугатиб, Фарғона водийсини бутун Ўзбекистон билан боғлайдиган темир йўл ишга туширилиши, шунингдек, «Тошкент — Самарқанд» тезюрар темир йўл қатновининг Бухорогача етиб бориши белгиланган.

Айни вақтда «Женерал моторс — Ўзбекистон» акциядорлик жамиятида «Т-250» моделидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Муборак газни қайта ишлаш заводида йиллик қуввати 80 минг тонна бўлган олтингугурт гранулалари тайёрлайдиган корхонани барпо этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, замонавий тракторлар, янги русумдаги мобиль телефонлар, планшет компьютерлари, ноутбуклар, телевизор ва холодильниклар, кондиционерлар ҳамда бошқа маиший электр техника буюмлари, кенг турдаги дори-дармон воситалари ишлаб чиқарадиган қувватлар ҳам фойдаланишга топширилади.

Келгуси йилда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Боинг-787» ҳаво лайнерларининг энг замонавий авлодига мансуб иккита янги самолёт билан таъминланиши мамлакатимиз фуқаро авиацияси ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Мамлакатимизда янги йилга «Соғлом она ва бола йили» деб ном берганимизни эл-юртимиз катта мамнуният билан кутиб олгани ва кенг қўллаб-қувватлаётгани, бу қарор замирида мужассам бўлган «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади» деган ғоя халқимизнинг олижаноб орзу-интилишларига нечоғлиқ ҳамоҳанг эканидан далолат беради.

Қадрли ватандошларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган янги — 2016 йил билан яна бир бор қизғин табриклайман.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз, азизларга қалбимнинг тўрида бўлган энг самимий тилакларимни изҳор этаман:

муҳтарам фахрийларимизнинг умрлари узоқ бўлсин,

мунис аёлларимизнинг чеҳрасидан табассум аримасин,

дилбар қизларимиз янада гўзал ва чиройли, бахтли-саодатли бўлсин,

ёшларимизнинг бахту иқболини берсин.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

## Р.ИРМАТОВНИ «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, халқаро майдонда ўзбек футболи нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари ҳамда ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Сайфиддинович Ирматов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2015 йил 31 декабрь*

**Янги — 2016 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар, етакчи компаниялар ва жамоат арбоблари Президентимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини йўллашда давом этмоқдалар.**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаганлар:*

| | |
|---|---|
| Япония Бош вазири | — **Шиндзо Абэ** |
| Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти | — **Йоахим Гаук** |
| Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери | — **Ангела Меркель** |
| Европа Кенгаши Президенти | — **Дональд Туск** |
| Чехия Республикаси Президенти | — **Милош Земан** |
| Венгрия Президенти | — **Янош Адер** |
| Исландия Президенти | — **Олавур Рагнар Гримссон** |
| Кувайт Давлати Амири | — **Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ** |
| Миср Араб Республикаси Президенти | — **Абдул Фаттоҳ ас-Сиси** |
| Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти | — **Абдулазиз Бутефлика** |
| Эрон Ислом Республикаси Президенти | — **Ҳасан Руҳоний** |
| Афғонистон Ислом Республикаси Президенти | — **Муҳаммад Ашраф Ғани** |
| Озарбайжон Республикаси Президенти | — **Илҳом Алиев** |
| Беларусь Республикаси Президенти | — **Александр Лукашенко** |
| Арманистон Республикаси Президенти | — **Серж Саргсян** |
| Мўғулистон Президенти | — **Цахиагийн Элбэгдорж** |
| Янги Зеландия Генерал-губернатори | — **Жерри Матепарае** |
| Колумбия Республикаси Президенти | — **Хуан Мануэль Сантос** |
| Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши раиси | — **Валентина Матвиенко** |
| Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби | — **Дмитрий Мезенцев** |
| НАТО Бош котиби | — **Йенс Столтенберг** |
| БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича Минтақавий марказ раҳбари | — **Петко Драганов** |
| «Лукойл» компанияси президенти | — **Вагит Алекперов** |
| «Лотте Групп» компанияси бошқаруви раиси | — **Шин Донг Бин** |
| Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори | — **Виктор Гришин** |

*Табрикномалар келиши давом этмоқда.*

## ВАТАННИ УЛУҒЛАШ — ЭНГ ОЛИЙ БАХТ

**Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Эрматовга Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Буюк хизматлари учун» ордени ҳамда Президентимиз совғаси — «Malibu» автомобилини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг ўз ақл-заковати, истеъдодини тўла намоён этиши, маҳоратини муттасил ошириб бориши, юксак маънавиятли, баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди. Бунинг натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан жисмонан соғлом, маънан етук, халқаро майдонларда Ватанимиз шон-шуҳратини улуғлашга қодир спортчилар етишиб чиқаётир.

Мамлакатимизда футболни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик ўзининг юксак самараларини бермоқда. Президентимизнинг 2006 йил 1 майдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2011 йил 19 январдаги «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ўзбек футболи тараққиётини янги босқичга кўтарди.

► Давоми 2-бетда.

O'ZBEKISTON OVOZI
2016-yil 1-yanvar. Juma
1 (32.060)-son
www.uzbekistonovozi.uz

Янги йил арафасида болалар учун 12 номдаги ўқув қуроллари ва 15 хил ширинликлардан иборат 11 минг дона Президентимиз совғаси бутун Ўзбекистон бўйлаб тарқатилди

■ ЙИЛ САРҲИСОБИ

**— Ҳаётнинг паст-баландини кўрган, эл корига ярайдиган фарзандлар тарбиялаб, жамиятимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган ҳар бир ёши улуғ инсонга иззат-икром кўрсатиш эзгу қадриятларимиздан ҳисобланади.**

## Янги йилнинг икки саволи

**2015 йил ҳақида қандай фикрдасиз? 2016 йилдан нималарни кутаяпсиз?**



**Шуҳрат УСМОНОВ, «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари:**

Президентимиз айтганларидай, Кексаларни эъзозлаш йилида қилинган ишлар кўлами ўтаётган йил билан чекланмайди, балки янги йилда ҳам давом эттирилади.

2015 йилда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида 7,7 минг нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийси, шунингдек, ёлғиз ва ижтимоий кўмакка муҳтож кексаларнинг яшаш шароити яхшиланди, иккинчи жаҳон урушида қатнашган ва фронт ортида хизмат қилган 61 мингдан ортиқ фахрийларимизга коммунал хизматлар бўйича 3,9 миллиард сўмлик компенсация тўловлари тўланди.

Кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга дастур бўйича барча манбалар ҳисобидан 2 триллион 246 миллиард сўм ва 225 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди.

Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида Президентимиз фармонига мувофиқ юз ва ундан юқори ёшдаги нуронийларнинг «Шуҳрат» медали билан тақдирланаётгани мамлакатимизда кексаларга эътибор ва ғамхўрлик қанчалик юксак даражада эканининг яна бир ҳаётий ифодасидир.

«Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши ва унинг жойлардаги бўлимлари саъй-ҳаракати билан 1995 йили нашр қилинган «Хотира» китобига кирмай қолган 1941-1945 йилларда иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган 19315 нафар юртдошимиз номи аниқланиб, китобнинг қўшимча 35 ва 36-жилдлари нашр қилинди. Шу асосда II Жаҳон урушида ҳалок бўлган 450 мингдан зиёд ватандошимиз номи абадийлаштирилди.

Ўз навбатида кекса авлод вакиллари бугун ҳам она Ватанимиз обрўсини юксалтиришда, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук қилиб тарбиялашда фаол иштирок этмоқда. 2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили деб аталиши моҳияти жиҳатидан юртимизда шукроналик билан тинч ҳамда фаровон ҳаёт кечираётган ҳар бир отахону онахонларга ҳам бевосита тегишли.

Бугун соғлом ўсаётган болалар уларнинг невара-эвараларидир. Тўғрисини айтганда, ота-оналардан кўра, улар кўпроқ болаларга эътибор ва меҳр кўрсатади, десак, асло хато бўлмайди. Айнан бобо ва бувилар ўгитини олган болалар тарбияси яхши бўлишини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Уларнинг маслаҳатлари, берадиган йўл-йўриқлари бебаҳо аҳамиятга эга. Фурсатдан фойдаланиб, ҳукуматимизга, жамоат ва давлат ташкилотларига кўрсатган беғараз хизматлари учун нуронийларимиз номидан миннатдорчилик билдираман.

**Нуруллоҳ ДОСТОН ёзиб олди.**

■ «ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ»

# Бахтли юртнинг бахтиёр болалари







**Бугун бутун Ўзбекистон бўйлаб болаларнинг шодлиги, қувончи кезиб юрибди.**

**29 декабрь куни «Туркистон» саройида «Президент арчаси» тантаналари юксак савияда, ўзгача шукуҳ билан ўтди.**

Тадбир Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Sen yolg'iz emassan» республика болалар жамоатчилик жамғармаси томонидан ташкил этилди. Унда болалар учун «Томоша» гуруҳи томонидан саҳналаштирилган «Меҳримизда сеҳримиз» мусиқий дастури намойиш этилди.

— «Президент арчаси»га 100 нафар ўқувчи олиб келдик, — дейди **22-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Илҳом Раҳимхўжаев.** — Болалар бу байрамга катта тайёргарлик кўришди. Уларнинг баъзи бирлари эртак қаҳрамонлари қиёфасида ташриф буюришди. Мен ва Милана Қодирова эса Қорбобо ва Қорқиз бўлиб келдик...

— «Президент арчаси»га «Болажон» номли қўшиқ ва «Бувижон» номли шеър ёдлаб келдим, — дейди **Бахтиёр Муҳаммадалиев.** — Яқинда Мурувват уйимизда ҳам янги йил байрамини нишонладик. Дўстларим билан маза қилиб ўйнадик. Бугун бизга Президент совғасини беришди, бундан жуда ҳам хурсандман. Менинг учта катта орзум бор эди, энди тўртта бўлди. Биринчи орзум машина олиш, иккинчиси тезроқ катта бўлиш. Учинчиси эса соғ-саломат юриш. Янги орзум эса юртимизда байрамлар кўп бўлсин...

Ушбу тадбирда 446 нафар Меҳрибонлик уйлари ва 83 нафар «SOS — болалар маҳалласи» тарбияланувчилари иштирок этди.

— Янги йил арафасида болалар учун 12 номдаги ўқув қуроллари ва 15 хил ширинликлардан иборат 11 минг дона Президентимиз совғаси бутун Ўзбекистон бўйлаб тарқатилди, — дейди **Халқ таълими вазирлиги масъул ходими Санам Ражабова.** — 26 декабрь куни Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларига жами 3762 дона Президент совғалари етказилди. Шунингдек, 5969 дона Президент совғалари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг самолётлари орқали 25-27 декабрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга жўнатилди.

«Президент арчаси» тантаналарида Меҳрибонлик уйларининг 2292 нафар ва Болалар шаҳарчаларининг, оилавий болалар уйларининг 10 нафар, Мурувват уйларининг 1577 нафар тарбияланувчилари, шунингдек, 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган 4472 нафар ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг 297 нафар фарзанди — жами 9471 нафар бола иштирок этди.

**Шаҳбоз САИДОВ**

**Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят театри саҳнасига ўрнатилган улкан арча безакларидан таралаётган рангин ёғдулар байрамга вилоятнинг барча ҳудудларидан таклиф этилган болажонларга олам-олам шодлик бағишлади.**

Байрам тадбирида 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, юртимиз тинчлиги ва барқарорлигини асраш йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари, махсус муассасаларда таълим-тарбия олаётган болалар жам бўлди.

**«Президент арчаси» тантаналарини Наманган вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Хайрулло Бозоров кириш сўзи билан очди.**

— Азиз болажонлар, — деди у. — Кириб келган янги 2016 йил мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинди. Бу бутун йил давомида сизларга чексиз меҳр ва эътибор кўрсатилади деганидир. Бугунги байрам тантанаси сизнинг хотирангизда узоқ вақт сақланиб қолади. Чунки сиз бугун Президентимиз совғасини олдингиз. Эртага сизларнинг орангиздан таниқли спортчилар, олимлар, шифокор ва ўқитувчилар етишиб чиқишига ишонамиз. Янги йил ҳаммангизга бахт, омад олиб келсин...

Шу куни жами 256 нафар болажонга 27 турдаги ўқув қуроллари, ширинликлар ва ўйинчоқлардан иборат Президент совғалари топширилди.

Бахтли болалик, келажакка ишонч, юксак орзу-умидлар тараннум этилган куй-қўшиқ ва рақслар, «Янги йил саргузаштлари» номли саҳна асари намойиши болажонларга байрамона кайфият бағишлади.

— «Президент арчаси» жуда зўр бўлди, — дейди 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Шодия Машрабова. — Президентимизнинг бизга юборган совғалари ичида менга, айниқса, рангли қалам ва фломастер, расм дафтарлари жуда ёқди. Катта бўлсам рассом бўламан.

— Биз Учқўрғонданмиз, — дейди ўзини Умида Абдуғаффорова, деб таништирган қизалоқ. — Байрамга Моҳигул, Ҳожиакбар, Нозимжон, Шермуҳаммадлар билан бирга келдик. Бир жойда яшасак ҳам «Президент арчаси»да учрашиб, танишдик.

— Мен учинчи бор Президент совғасини олишим, — дейди Уйчи туманидаги 44-мактаб ўқувчиси Нозимжон Иминжонов. — Совғамни кўриш учун бугун бизникига бувим ва қариндошлар келишади.

Болажонлар совғаларини кўтариб, автобуслар томон йўл олишди. Қорбобо билан Қорқиз, айиқполвон, йўлбарс, Она бўғу уларни қўл силкиб кузатиб қолди...

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ВАТАННИ УЛУҒЛАШ — ЭНГ ОЛИЙ БАХТ



Ўтган йилларда ёш футболчиларимиз дунёнинг қатор давлатларида ташкил этилган жаҳон ва Осиё чемпионатларида муносиб иштирок этди.

ФИФА рефериси, машҳур ўзбек ҳакамы Равшан Эрматов эришаётган натижалар бунинг яққол исботидир.

2003 йилдан буён ФИФА таснифидаги мусобақаларни бошқариб келаётган Р.Эрматов футбол бўйича деярли барча нуфузли турнирларда ҳакамлик қилмоқда. Ўзбек ўғлони 2008, 2009, 2010, 2011 ва 2014 йилларда беш маротаба «Осиёнинг энг яхши ҳаками» деб эътироф этилди. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси уни 2011 йилда «Жаҳоннинг энг яхши ҳаками» сифатида тан олди. Мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги мусобақаларни юқори савияда бошқариб келаётган Р.Эрматов 2013 йил якунлари бўйича ҳам дунёнинг энг кучли ҳакамлари рейтингининг юқори поғоналаридан жой олган.

Равшан Эрматовнинг 2010 йили Жанубий Африка Республикаси ва 2014 йили Бразилияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатларида кетма-кет иштирок этиши Ўзбекистон спортининг улкан ютуғи бўлди. 2010 йилги чемпионатнинг очилиш маросими ва яна тўртта учрашувни аъло даражада бошқариб, дунёга Ўзбекистон спортчиларининг салоҳияти ва қудратини намоён эта олган ўзбек ҳакамы Бразилиядаги мундиалда жами тўртта учрашувни муваффақиятли бошқарди. Р.Эрматов ҳакамлик фаолияти давомида жаҳон чемпионатлари финал босқичида энг кўп — 9 учрашув бошқариб, дунё рекордини ўрнатди. Бу билан ўзбек спортчилари ҳам дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда яна бир карра исботлади.

◄ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Равшан Эрматов Президентимиз Ислом Каримов фармонларига мувофиқ 2010 йили «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони, 2014 йилда «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.

Машҳур футбол ҳакамы Равшан Эрматов яқинда футбол оламининг нуфузли мукофотларидан бири — «Globe Soccer Awards — 2015» совринини қўлга киритди.

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ташкил этилган маросимда «Globe Soccer Awards — 2015»нинг турли номинациялар бўйича ғолиблари тақдирланди. Мукофотнинг «Энг яхши ҳакам» йўналишида Равшан Эрматов билан бир қаторда Жунейт Чақир, Вильмар Рольдан, Хоэль Агилар, Бакари Гассама ва Норберт Хауата сингари дунёнинг энг тажрибали реферилари ҳам даъвогарлик қилганди. Нуфузли ҳайъат аъзолари совринга ўзбек ўғлонини муносиб, деб топди.

Бу мамлакатимиз спорти салоҳиятининг, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигининг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 31 декабрдаги фармонига мувофиқ мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, халқаро майдонда ўзбек футболи нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари ҳамда ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун Р.Эрматов «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Буюк хизматлари учун» орденини ва Президентимиз совғаси — «Malibu» автомобили калитини Р.Эрматовга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев тантанали равишда топширди.

— Халқаро майдонларда Ватанимизни шарафлаш, унинг обрўси юксалишига ҳисса қўшиш — энг олий бахт, — деди Равшан Эрматов. — Нуфузли мусобақаларда ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни исботлашдек эзгу мақсадимизга етишаётганимиздан хурсандмиз. Бу Юртбошимиз раҳнамолигида спортга, спортчиларга, жумладан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик самарасидир. Камтарона меҳнатларимни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирлагани учун Президентимизга чексиз миннатдорлик билдираман. Бу катта ишонч янада юксак марралар сари рағбатлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси З.Низомхўжаев, Ўзбекистон халқ шоири С.Саййид, Ўзбекистон халқ артисти М.Азизов ва бошқалар спортни ривожлантириш ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган улкан ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга чуқур миннатдорлик изҳор этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Д.Назармуҳамедов иштирок этди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири.**

■ ИНТЕРНЕТ-ТАБРИК

**Янги йил байрамини ўз уйингда, оила даврасида, яқинларинг билан нишонлашга нима етсин. Лекин бу ҳаёт. Янги йилни ўқиш ва хизмат сафари туфайли чет элда кутиб олаётган юртдошларимиз ҳам бор. Қани билайликчи, уларнинг кўнглидан нималар ўтяпти?**

## Соат миллари ўн иккига бонг урганда...

**Ният қиламиз: — 2017 йилда юртимиз янада обод ва фаровон бўлсин, барча орзуларимиз амалга ошсин!**



**Ҳабиб ТЎЛАЕВ, Рига техника университети талабаси (Латвия):**

— Янги йил оқшомида баҳоли қудрат дастурхон безаймиз. Лекин онамиз тайёрлаган тансиқ таомлар, Ўзбекистоннинг ширин мевалари ўрнини ҳеч нарса боса олмайди, албатта.

2014 йил апрель ойида Ригада Ўзбекистон савдо уйи иш бошлади. Бу жой ўзбекистонлик талабалар учун энг севимли масканга айланган. Бундан ташқари, Ригада Мирзо Улуғбек ва Абу Али ибн Синога ҳайкал ўрнатилган. Ҳар гал уларнинг ёнидан ўтарканман, буюк алломалар авлоди эканимдан фахрланаман. Ўзимни бир лаҳза Ватанимда юргандек ҳис қиламан.

Менга берилган имкониятдан фойдаланиб, барча юртдошларимни янги йил байрами билан табриклайман. Янги йилда юртимиз ютуқлари янада кўп бўлсин. Ватанимиз тинчлиги, тараққиёти йўлида барчамиз, айниқса, биз ёшлар янада фаол бўлишимиз керак, деб ўйлайман.



**Гулшан САЪДУЛЛАЕВА, Пекин тил ва маданият университети талабаси (Хитой):**

— 2015 йилдан жуда миннатдорман. Сабаби якунланган бу йил ўзининг унутилмас дамлари билан бир умр хотирамда муҳрланди. Энг асосий воқеа сифатида Хитойга келиб, ўқиётганимни айтмоқчиман.

Янги йилни ота-онам ва яқинларим билан кутиб олишга кўникиб қолган эканман. Байрамни илк маротаба оиламдан узоқда нишонлашимга тўғри келаётган бўлса ҳам Янги йил шукуҳи ҳар доимгидек ўз кучида турибди. Чунки байрамлар ичида энг севганим бу — янги йил! Мўъжиза содир бўлишига ишониб, соат миллари ўн иккига бонг урганда ният қиламиз, 2017 йилни ўз Ватанимизда кутиб олайлик. Янги йилга ҳар доим кўтаринки кайфиятда, янги мақсадлар, эзгу орзулар билан қадам қўйилади.

2016 йилда ҳаммага бахт, қувонч, соғлик ва бирдамлик ёр бўлсин. Юртимиз бугунгидан-да обод, осмонимиз ҳар доим мусаффо бўлаверсин. Бутун Ўзбекистон халқини, Президентимизни, ота-онам, яқинларим, дўстларимни янги йил билан чин дилдан муборакбод этаман.



**Шермурод ДИЛМУРОДОВ, «Al Tayer» компанияси ходими (БАА):**

— Анча йиллардан бери янги йилни оиламдан узоқда кутиб оляпман. Дастлаб Малайзиядаги Вестминстер коллежида бизнес йўналишида ўқиган бўлсам, ҳозирда Дубай шаҳрида ишлаяпман.

Ҳар йили янги йилда интернет орқали Президентимизнинг байрам табригини эшитаман.

Кўпчиликка маълум, янги йил кечасида дунёдаги энг катта мушакбозлик Дубайда кузатилади. Тўғриси, анчадан бери шу жараённи ўз кўзим билан кўришни орзу қилгандим. Мана, бу йил ниятимга етдим. Бир масалада уйдагиларга ваъда бердим. Келаси йил янги йил байрамини оила аъзоларим билан, Ватаним — Ўзбекистонда кутиб оламан.

Барча юртдошларимни байрам билан табриклайман. 2015 йилда ушалмаган орзуларингиз янги йилда ижобат бўлсин.

**Темур АЪЗАМ ёзиб олди.**



■ ЯНГИ ЙИЛДА ТЕЗЮРАР ПОЕЗДЛАРНИНГ ТОШКЕНТ — БУХОРО ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.



■ МАМЛАКАТИМИЗДА 100 ЁШГА ЕТГАН ВА УНДАН ОШГАН КЕКСАЛАРИМИЗНИНГ ПЕНСИЯСИГА ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИНИНГ 100 ФОИЗИ МИҚДОРИДА УСТАМА ТЎЛАШ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.

■ ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДАН РЕПОРТАЖ

# ЯНГИ РЕЖАЛАР, ЁРУҒ МАҚСАДЛАР БИЛАН

## *Янги йил кутиб олинмоқда*



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

### БАХТИЁР БОБО ВА НАБИРА

**2015 йил 31 декабрь, соат 10:30.** Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томон отландик. Йўл-йўлакай невараларини Мустақиллик майдонидаги Янги йил байрами тантаналарига олиб келаётган отахонга дуч келдик. Очиғи, шунчаки саломлашиб ўтиб кетолмадик. Бир-биримизни байрам билан қутладик.

***— Янги йилда невараларни бир хурсанд қилай дебсиз-да...***

— Ҳа, худди шундай. Аслида, ҳар кунимиз ўзи байрам-ку, — дея гап бошлади **отахон.** — Болаларнинг қувончини қаранг. Тўғриси, одам фахрланиб кетади. Энди, қизларим, бу ёруғ кунлар қадрини болалиги оч-наҳор, усти енгил-юпун ўтган, бир кулса, ўн йиғлаган биз каби кексалар яхшироқ тушунади. Минг раҳмат, бу йил бизнинг йилимиз бўлди, энди навбат буларга.

У невараларига ишора қилиб, кулимсиради. Хайрлашаётиб исм-шарифини сўрадик. Эркин Йўлдошевман, Тошкентдан, дея ўзини таништирди отахон.

Биз ана шундай байрам кайфияти билан партия биносига кириб бордик. Фойе байрамона безатилган. Ўртада арча... Дарҳол байрам кайфияти сезилди.

### ҲАЁТИЙ ЛОЙИҲАЛАР, ТАЪСИРЧАН ТАДБИРЛАР

Биринчи қаватда Марказий Кенгашнинг Мафкуравий ва тарғибот-ташвиқот масалалари бўлими жойлашган. Хонада **бўлим мудири Алишер Равшанов, сектор мудири Аброр Қурбонов, катта референт Сирожиддин Шоназаров** бўлимнинг 2015 йилда амалга оширган ишлари, ютуқ ва камчиликлар, келгуси режалар хусусида суҳбатлашишаётган экан. Бу биз учун айни муддао бўлди. Аслида партиямиз Марказий Кенгашига ташрифимиздан мақсад ҳам йил якунлари бўйича партия тизимидаги ишлар ҳақида маълумот олиш эди.



**— 2015 йилда мафкуравий, тарғибот-ташвиқот ишларида қандай натижаларга эришилди?**

Бу саволга бўлим мудири бироз ўйлаб, кейин жавоб берди:

— Ишларимиз кўп бўлди. Йил бошида худди ҳозиргидек йиғилишиб, кўплаб вазифаларни белгилаб олгандик. Шу асосда «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази», «Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз!» лойиҳалари доирасида 1500 дан ортиқ тадбир ўтказилди. Уларда 114 мингга яқин киши қатнашди.

Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида тўрт босқичли туркум машғулотлар ташкил этилди. Биз учун энг муҳим жиҳати, уларда одамлар шунчаки иштирокчи бўлиб қатнашмади, балки жонли мулоқотлар давомида мавзу юзасидан ўз фикри, нуқтаи назари, таклифларини билдирди. Умуман, 2015 йил биз учун самарали йил бўлди.

Партия фаоли шу сўзларни айтар экан, янги йилда ҳаётий ғояларга бой бўлган лойиҳалар, амалий ишлар режалаштирилганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шу пайт хонага мафкура йўналишида минтақалар бўйича амалга оширилган ишлар ҳисоботини қўлида тутганча **бўлим ходими Гулчеҳра Зоҳидова** кириб келди ва суҳбатимизга қўшилди:

— 2015 йилда тарғибот-ташвиқот ишларини кенг кўламда олиб бориш бўйича тажрибамиз анча ошди, десам, адашмаган бўламан. Тадбирларни нафақат марказда, балки маҳаллаларда, хусусан, олис ҳудудларда, бошланғич ташкилотларда ўтказишга кўпроқ эътибор қаратдик. Шу орқали партиямиз дастурий мақсадлари, ғояларини аҳоли орасида янада чуқур ва кенг тарғиб қилишга эришдик.

Улар билан суҳбатимиз қизғин тус олди. Партия фаоллари бизга тарғибот-ташвиқот воситалари бўлган услубий қўлланмалар, тадбирлардан тасвирий лавҳаларни кўрсатишди. Партия тизимида мафкуравий йўналишда амалий ишлар борлигига, режалар шунчаки қоғозда қолиб кетмаётганига яна бир бор гувоҳ бўлдик.

### ОДАМЛАРНИНГ ОҒИРИ ЕНГИЛ БЎЛМОҚДА

Хонадан чиқар эканмиз, биринчи қаватдаги фойеда **Аҳоли бандлиги ва ижтимоий масалалар бўлими мудири Назира Матёқубова**ни учратдик. Мақсадимизни билгач, бизни ўз хонасига етаклади.

— Гапнинг очиғи, 2015 йил партиямиз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалий ишлар, ташаббусларга бой бўлди, — деди у. — Масалан, Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида пар-



тиянинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури қабул қилинган. Унга кўра, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига партиямиз гуруҳлари ташаббуси билан 78 масала киритилди. Доимий комиссияларда эса 123 масала муҳокама этилди. Аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилаётган Жамоатчилик қабулхоналарига йил давомида 9 мингга яқин мурожаат бўлди. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди, демак, партиямизга ишониб қабулхона эшигини қоққан кўплаб одамларнинг оғири енгил бўлди.

Айтганча, 2015 йилда биз кўчма Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада кучайтиришга жиддий эътибор қаратдик. Ҳар ойда икки марта депутатлар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ва партия фаоллари жойларга чиқиб, аҳоли мурожаатларини тинглади. Муаммоларга ечим топишда бош-қош бўлишди. Бу тажрибани кейинги йилда ҳам изчил давом эттирмоқчимиз.

***— Демак, янги йилда режалар янада улкан бўлади...***

— Албатта! Олдимизда муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди. 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросида фаол иштирок этишни режалаштирдик. Бунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракциясининг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар билан биргаликда ишлаш кўникмасини мустаҳкамлаш, партия ташкилотларининг бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, банк, молия муассасалари билан ҳамкорлигини кучайтириш кўзда тутилди. Шунингдек, бандликни таъминлашда бошланғич партия ташкилотлари ташаббускорлигини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

### 9937 БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ

Бу таклифнинг аҳамияти, моҳияти бошланғич ташкилотлар билан ишлаш сектори фаоллари билан суҳбатимиз давомида янада ёрқинлашди. Маълумот ўрнида айтиш керакки, бу сектор 2015 йил сентябрь ойида ташкил этилди.



**Сектор мудири Дониёр Каримов** бизга партия бошланғич ташкилотлари фаолияти, улар ишини кучайтириш учун нималарга аҳамият берилаётгани ҳақида гапириб берди. Унинг айтишича, намунали бошланғич ташкилотларнинг иш тажрибасини ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида минтақавий семинарлар ташкил этилган. Бошланғич партия ташкилоти етакчиларини рағбатлантириш, улар билан мунтазам алоқани йўлга қўйиш борасида чора-тадбирлар белгиланган.

— Бугунги кунда партиямизнинг 9937 бошланғич ташкилоти бор, — дейди сектор мудири. — Уларнинг ишини замон талабига мослаштириш, етакчилар фаоллигини ошириш ва аъзоларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш ишлари янги йилда янги босқичга олиб чиқилади.

### ОИЛАНИНГ, ЖАМИЯТНИНГ БАХТИ

**«Аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш — биз учун ота-боболаримиздан қолган ибратли мерос бўлиб, биз бундай анъаналаримизга доим содиқ бўлиб яшаймиз».** Президентимиз 2016 йилни **Соғлом она ва бола йили,** деб эълон қилар экан, бу фикрни алоҳида таъкидлади. Шунинг ўзиёқ хотин-қизларга ҳурмат кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш муҳим вазифа эканини кўрсатмоқда. Айтиш керакки, ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти фаолияти айнан шу масалалар билан чамбарчас боғлиқ.

Тўртинчи қаватга кўтарилдик. **Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори ходимлари** ўтирган хонага кириб борганимизда, аёлларга хос бўлган гўзаллик, нафосат уфуриб турганини ҳис қилдик. Хона бурчагида кўркам арча безатилган. Кўтаринки кайфият билан **сектор мудири Гулшан Асатова**ни суҳбатга тортдик.



***— Партиядошларимизнинг кўпчилиги 2015 йилда сектор фаолияти янги лойиҳа ва ташаббуслар билан бойигани тўғрисида гапиряпти. Сиз бунга нима дейсиз?..***

— Ҳа, энди бошқа бўлим ва сектордагилар ҳар доим бизни шундай қўллаб-қувватлаб туришадида. Бундан кўнглимиз тоғдай кўтарилади. Ўтган йили қанот ташаббуси билан жойларда «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари», «Қишлоқда қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун шароитлар яратиш — уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг муҳим жиҳатидир», «Қонунлар тарғиботи ойликлари» лойиҳалари доирасида 3000 дан ортиқ тадбир ўтказилди, уларда 110 минг нафарга яқин хотин-қиз иштирок этди. Тадбирлар жараёнида ижтимоий ҳимояга оид қонун ҳужжатлари ижросида юзага келаётган 300 дан ортиқ масала аниқланди ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Жумладан, 200 га яқин масалага депутатлик сўровлари, оғзаки ва ёзма мурожаатлар орқали маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда ечим топилди.

Яна бир муҳим лойиҳамиз 2015 йилда биринчи марта «ЎзХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови ўтказилди. Мазкур кўрик-танлов барча минтақаларда юқори савияда ташкил этилди. Шу орқали партиямиз сафидаги фаол ва иқтидорли, сиёсий билимдон аёллар кашф этилди. Танловнинг республика босқичи бу йил февраль ойида бўлиб ўтади.

Соғлом она ва бола йилида зиммамизда янада катта вазифалар турибди, қатор янги лойиҳалар устида ишлаяпмиз. Фурсатдан фойдаланиб, барча аёлларни, партиямиз фаоллари ва депутатларни байрам билан табриклайман. Оналаримиз бошимизда ҳамиша омон бўлсин!

### ТАЯНЧ ВА СУЯНЧ БЎЛАДИГАН ЁШЛАР



«Келажакда партия етакчиси бўламан, депутат бўламан, одамларга қўлимдан келганча ёрдам қиламан», деган орзу-истакли ёшларни бирлаштирган «Истиқбол» ёшлар қанотининг ўтган йилда амалга оширган ишлари тўғрисида ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. **Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири Умурбек Бектемиров** улардан айримларини санаб ўтди:

— Жойларда «Ёшларга оид қонунчилик — ёшлар нигоҳида», «Коллеждан — корхонага», «Кексаларимиз ёшлар эъзози ва эътиборида» лойиҳалари асосида туркум тадбирлар ўтказилди. Айниқса, қишлоқларда яшовчи йигит-қизлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланди, улар ўз имконияти ва истеъдодини намоён этишига кўмаклашилди. Шунингдек, ёш фаолларнинг ижтимоий-сиёсий билимини юксалтириш ишлари ҳам кенг кўламда олиб борилди. Натижа ёмон бўлгани йўқ. ЎзХДП сафида бўлишга қарор қилган йигит-қизлар сони ошди, хайрихоҳларимиз кўпайди. Ҳозир бундай ёшлар 135 минг нафардан ортди.

Бу йил чин маънода соғлом ва баркамол авлод йили бўлади. Шундан келиб чиқиб, соғлом турмуш тарзини ёшлар орасида янада кенг тарғиб қилиш, уларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича бир қатор лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирдик.

* * *

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биносидан чиқар эканмиз, йил давомида қилинган ишларнинг учқунлари ҳақида суҳбатлашганимизни яхши билардик. ЎзХДП ташкилотлари, парламентдаги фракцияси, депутатлик гуруҳлари томонидан Сайловолди дастури ижроси бўйича амалга оширилган ишлар, кўтарилган ташаббуслар ҳақида кўп гапириш мумкин...

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

■ ДЕПУТАТ МИНБАРИ

## Аҳоли фаровонлиги — бош мақсадимиз

**Бугунги кунда Андижон вилояти Асака туманида ЎзХДПнинг 50 бошланғич ташкилоти мавжуд. Аъзолар сони 3598 нафарни ташкил этмоқда. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партиямиз гуруҳи 12 нафар депутатдан иборат. Бу бизда жуда катта куч, имконият ҳамда ваколат борлигини англатади.**

2015 йилда сафимизга 620 нафар киши қўшилди. Уларнинг аксарияти ёшлар. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партиямиз гуруҳи ташаббуси билан 5 масала сессиялар муҳокамасига олиб чиқилди. Натижада аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, қишлоқ врачлик пунктлари ишини янада такомиллаштириш, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси назоратга олинди.

Янги йилда ниятларимиз янада катта, режаларимиз улкан. Туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига тушаётган мурожаатларни ўз вақтида ҳал этиш, бу борада депутатлар ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигини янада ривожлантириш, бошланғич партия ташкилотлари ташаббускорлигини оширишни мақсад қилганмиз.

Соғлом она ва бола йилида олдимизда турган вазифалар кўлами янада катта эканлигини яхши англаймиз. Биринчи навбатда қишлоқ жойларда аёллар бандлигини таъминлаш, турмуш шароитини янада енгиллаштириш борасида янги ташаббуслар билан чиқишимиз, ҳаётий лойиҳаларни амалга оширишимиз зарур. Айниқса, партиямизнинг дастурий мақсад ҳамда ғояларига мос равишда оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилган ишларимизни кучайтиришимиз лозим. Ҳар бир хотин-қиз ҳаётидан мамнун яшаши, оиласидан хотиржам бўлишига муносиб ҳисса қўшсак, ўз вазифамизни бажарган бўламиз.

**Мўйдинжон ДАДАЖОНОВ,**
**ЎзХДП Асака туман кенгаши раиси,**
**халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари.**

## Янги ташаббуслар йили бўлади

**2015 йилда партиямиз ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари Давлат дастурлари, қонунлар ижроси, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, ижтимоий муҳофазага муҳтож одамларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қатор ташаббусларни амалга оширди.**

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари ташаббуси билан электорат манфаатлари ҳимояси, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари билан боғлиқ 82 масала доимий комиссияларга, 21 масала шаҳар, туман, вилоят Кенгаши сессияларига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Мисол учун, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссиясида «2014-2015 йилда касб-ҳунар коллежи битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида»ги масала атрофлича кўриб чиқилди. Албатта, бу нафақат мутасаддилар ва масъуллар, ҳар бир оила, ҳар бир ота-онани ўйлантирадиган масаладир. Шунинг учун фарзандларимизни ишга жойлаштириш ҳар доим устувор вазифаларимиздан бўлиб қолаверади.

Умуман олганда, 2015 йил Фарғона вилоят партия ташкилоти учун самарали бўлди, деб ўйлайман. 2016 йилга яхши кайфият, янада катта куч, янги ташаббуслар билан қадам қўймоқдамиз. Соғлом она ва бола йилида зиммамизда жиддий вазифалар турибди. Чунки партиямиз Ҳаракат дастурида соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш билан боғлиқ долзарб масалалар ўрин олган. Шундан келиб чиқиб, Сайловолди дастури ижроси ва электорат манфаатларига доир масалаларда янада қатъий ва принципиал бўлишимиз талаб этилади.

Катта орзу-умидлар билан кутиб олинаётган 2016 йил партиядошларимиз, хайрихоҳларимиз учун янада муваффақиятли йил бўлишига ишонамиз.

**Дониёр ТОШМАТОВ,**
**халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги**
**Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси.**



■ *2015 ЙИЛ «КЕКСАЛАРИМИЗНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ!» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА 600 ГА ЯҚИН ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ. 1300 ДАН ОРТИҚ ЯККА-ЁЛҒИЗ ҚАРИЯЛАР ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ХОНАДОНЛАР ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН ОБОДОНЛАШТИРИЛДИ ВА 2400 НАФАР ЁШИ УЛУҒ НУРОНИЙГА ҲОМИЙЛАР СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ.*



■ *ЎзХДП ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА, БАРЧА ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРДА ҚАТОР МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛДИ.*

Янги йилда Ўзбекистон халқига дунёдаги барча яхшиликлар ёр бўлишини тилайман!

ХУШХАБАР

**Янги йил арафасида Қорақалпоғистон Республикасида «Даут ота» чегара-божхона постининг янги биносининг очилиш маросими, шунингдек, мазкур постда хизмат қилаётган божхоначилар учун бунёд этилган янги уйининг тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Жўқорғи Кенгес раиси Муса Ерниязов, Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти иштирок этди. Бу ҳақда Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати хабар бермоқда.**

## ЯНГИ БИНОЛАР, ЯНГИ УЙЛАР

– Чегара-божхона постида божхоначилар учун барча қулайликлар яратилган, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси катта инспектори Полвон Манғитов. – Енгил ва юк автомашиналарини сканер қилувчи назорат қурилмаларининг ўрнатилиши эса вақтни тежашга ва иш унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

Саҳро ўртасида қад кўтарган 32 хонадондан иборат 2 қаватли янги уйининг фойдаланишга топширилиши эса қорақалпоғистонлик божхоначилар учун ўзига хос байрам туҳфаси бўлди. Ушбу уйининг қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш ишларига 7,2 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Мамлакатимизнинг шимолий дарвозасида, саҳро ўртасида замонавий услубда барпо этилган «Даут ота» чегара — божхона пости биноси ҳамда янги уй Устюрт платосига ўзгача кўрк бағишлаб турибди.

Янги йил байрами арафасида Тошкент вилояти Чиноз туманида жойлашган «Янгийўл» ташқи иқтисодий фаолият божхона постининг янги замонавий биноси ҳам фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда Тошкент вилояти божхона бошқармаси раҳбарияти, шахсий таркиби, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ИНТЕРНЕТ ТАБРИК

# НАСИБ ҚИЛСА, ЯНА ЎЗБЕКИСТОНГА БОРАМИЗ

**Турли йилларда мамлакатимизда бўлган, Ўзбекистонга нисбатан катта меҳр ҳиссини туядиган хорижлик дўстларимиз жуда кўп. Биз улар билан боғланиб, юртдошларимизга байрам табрикларини ёзиб олдик.**



**Афсана ЭЛЕСКЕРЛИ, Озарбайжон:**

— Янги йил яқинлашмоқда. Мен бутун дунё халқларига, жумладан, ўзбек ва озар халқига тинчлик-хотиржамлик тилайман. Ўзбекистон ва Озарбайжон давлатлари ривожланишда давом этаверсин.

Янги йил ҳар бир одам учун ўтган йилда қилган ишларини сарҳисоб қиладиган, келгуси йилдаги режаларини белгилаб оладиган кун. Мен Ўзбекистонда яшовчи инсонларнинг кўнглидаги эзгу мақсадлари ушалишини тилайман.

Бой маданий тарихга эга бўлган Ўзбекистон ва Озарбайжон давлатлари бугунги кунда ҳам маданий ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаб бормоқда. Икки давлатда ҳам ҳар йили маданият кунлари, турли тадбирлар уюштирилаётгани халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни янги даражага олиб чиқмоқда.

Қадим-қадимдан ривожланиб келаётган дўстона алоқаларимиз янада мустаҳкамланиб бораверсин. Ўзбекистон ва Озарбайжонда камол топаётган ёш авлод ушбу ришталарнинг янада мустаҳкамланиши йўлида жонбозлик кўрсатсин.

Айни пайтда Ўзбекистонда кўплаб озарбайжонликлар тинч-тотув яшаб келмоқда. Бу ҳам ўзбек халқининг қанчалик бағрикенглигидан далолат беради. Мен уларни ҳам янги йил байрами билан табриклайман.

Янги йил барчамиз учун қутлуғ келсин!



**Мигель САНТОС, Буюк Британия:**

— Ўзбекистонга меҳрим бўлакча. Ҳар гал юртингизга борганимда ажиб ҳиссиётлар оғушида қоламан. Доим ёрдамга шай, эътиборли, кулиб турадиган одамларни севмай бўладими...

2015 йилда Ўзбекистонга «Шарқ тароналари» фестивалида қатнашиш учун бордим. У ерда ўзим тасвирга олган видеоларни ижтимоий тармоқдаги саҳифамга жойлаштирдим. Уни кўрган дунёнинг турли мамлакатларида истиқомат қилаётган икки юздан ортиқ одам Ўзбекистон ҳақида илиқ фикр билдирди.

Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида бўлдим. Улардан такрорланмас таассуротлар билан қайтдим. Тўғриси, яна икки йилдан кейин бўладиган «Шарқ тароналари» фестивалини кутиб ўтирмай тезроқ Ўзбекистонга бориш ҳисси мени бир лаҳза тарк этгани йўқ.

Янги йилда Ўзбекистон халқига дунёдаги барча яхшиликлар ёр бўлишини тилайман. Сизнинг Ватанингизда инсон бахтли яшаши учун ҳамма шароит бор. Асосийси бу юртда кўнгли очиқ, яхши одамлар истиқомат қилади. Улар ҳурматга, эътирофга муносиб.

Сизлар ўзбеклигингиздан, Ўзбекистон фуқароси эканингиздан фахрланишингиз керак. Ҳар бирингизга соғлик-саломатлик тилайман. 2016 йил сизнинг ҳаётингизда энг яхши йиллардан бири бўлиб қолишига ишонаман.



**Аксель ПОРШ, Германия:**

— Ўзбекистонликлар дўстни қадрлайдиган меҳмондўст халқ. Уларга бўлган чексиз ҳурматимни жуда узун қилиб ёзишим керак.

Мен Ўзбекистонга уч марта борганман. Шу пайтгача Тошкент, Самарқанд ва Навоий шаҳарларида бўлдим. Лекин кўришим керак бўлган шаҳарлар сони анчагина. Ўйлайманки, кейинги саёҳатимда бу ниятим ҳам амалга ошади.

Буюк ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон халқи ўзининг бой тарихи ва буюк келажаги билан фахрланиши керак. У ерда бўлганимда кўнгли очиқ, самимий одамларга дуч келдим. Уларнинг кўпчилиги билан дўстлашдим. Ҳамон биродарликни сақлаб келяпмиз. Мен Ўзбекистон халқига, хусусан, у ерда яшаётган дўстларимга қалбимдаги барча эзгу тилакларимни йўллайман. Кўплаб ўзбекча сўзлар қатори «насиб қилса» жумласини ёдлаб олганман. Ўзбек дўстларим билан суҳбатлашганда бу сўзни доимо ишлатаман. Насиб қилса, яна Ўзбекистонга борамиз!



**Азизуллоҳ Абдуллоҳ ўғли ФОРЁБИЙ, Канада:**

— Гарчи Афғонистонда туғилган бўлсам-да, миллатим ўзбек бўлгани учун Ўзбекистонга бўлган муҳаббатим баланд. Мен бу табаррук юртни она Ватаним деб ҳисоблайман.

Умримнинг 20 йилга яқини Тошкентда ўтган. Бу қутлуғ шаҳарда уйланганман, фарзандларим туғилган. Шу боис бутун оиламиз билан Тошкентни севамиз, соғинамиз, кўзимизга суртамиз.

Ўзбекистонлик тилдош, қондош азизларимизни янги йил билан оилам номидан табриклайман!

Жонажон Ўзбекистоннинг бугунги кунда тараққиёт йўлида барқарор, олға қадам қўяётганида, кундан-кунга обод ва фаровон, тинч ва тотув ҳаёт кечираётганида бу саховатли, фирдавсмонанд заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг, унинг маллати, насл-насаби, дини, эътиқодидан қатъи назар, муносиб ҳиссаси борлигини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Мухтассар қилиб айтганда, улуғ Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик нақадар катта бойлик эканини бутун дунё аҳли жуда яхши билади.

Президент Ислом Каримов Соғлом она ва бола йили деб ном берилган янги 2016 йил юртингизга тинчлик, оилангизга фаровонлик, файз ва қутбарака, фарзандларингизга улкан зафарлар олиб келсин.

Буюк Ўзбекистон аҳолиси мана шу файзли дамларда ҳалол меҳнат, пешона тери билан ёзилган очиқ дастурхон атрофида ўтириб, унутилмас байрамни кутиб олсинлар.

Янги йилда ҳар бирингизга осмон-осмон бахт, омад, қувонч, меҳр-муҳаббат, мустаҳкам соғлик, хурсандчилик ҳамроҳ бўлсин. Ўзбекистон янада обод бўлиб, бундан-да чирой очиб равнақ топишини Аллоҳдан сўрайман.

Ҳар бирингизнинг пок ният ва тилакларингизни Аллоҳ қабул қилсин!

Янги йил барчангизга муборак бўлсин!

**«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ ёзиб олди.**

ТОШКЕНТ ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИ ОҒУШИДА





Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

# МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА

## байрам шодиёналар

**Пойтахтимизда катта-ю кичикнинг қувончини ошираётган, янги йил томошалари қизғин давом этмоқда. Анъанага кўра, Мустақиллик майдонига энг катта арча ўрнатилган. Эртакмонанд безатилган майдонда энг кичкинтойларнинг шўх-шодон кулгуси янграйди.**

Байрам шодиёналарини юксак савияда ўтказиш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан махсус дастур ишлаб чиқилди. Бош майдондаги турли аттракционлар, арғимчоғу мўъжаз ўйингоҳлар болажонлар ихтиёрида. Бу ерда улар учун турли ўйинчоқлар, ширинликлар, байрам совғалари савдоси ташкил этилган.

**Орзумурод ҚУДРАТОВ, меҳнат фахрийси, Ғиждувон туманидан:**

— Мен янги йилни пойтахтда кутиб олишни орзу қилардим. Яратганга шукр, ниятларим ижобат бўлди. Майдонга набираларимни олиб келдим. Уларга бугунги тантаналар жуда ёқди. Қорбобо ва Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари иштирокидаги томошаларни ўзим ҳам завқ билан кўрдим. Бу байрам болажонларимиз хотирасида бир умр сақланиб қолади.

— Арча ёнида Қорбобо ва Қорқиз ҳамда Насриддин Афанди ва Шум бола билан суратга тушдим, — дейди **Пахтаобод туманидаги 2-умумтаълим мактаби ўқувчиси Фаррух Эргашев.** — Уларга ёд олган шеърларимдан айтиб бердим. Топишмоқлар жавобини тез топганим учун совға ҳам олдим.

— Бу ерга кеча ҳам келгандик, — дейди **Деҳқонобод туманидаги 36-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ҳулкар Худойбердиева.** — Ойимга яна олиб боринг дедим. Бугун болалар кечагидан кўп келибди. Катта саҳна олдида ўйнадим. Кечқурунга бориб майдон янада чиройли бўлар экан...

**Абдусалим МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ТЕАТР ТОМОШАЛАРИ – БОЛАЖОНЛАРГА

**...Янги йил томошаларига ошиқаётган болажонларни эртак қаҳрамони – Қородам кутиб олади. У кичкинтойлар билан ўйинга тушади, кейин уйчасида ёлғиз зерикиб ўтирган Бўрини даврага таклиф қилиб, унга Хўжа Насриддиндан келган телеграммани ўқиб беради. Шунда Апшу хола келиб, Бўрини ўзи томонга оғдирмоқчи бўлади. Қородам, Бўривой ва Хўжа Насриддин болалар билан бирга бадан тарбия машқлари қилиб, Апшу холани қувишади ва томоша залига кўтариладилар.**



— Байрам томошалари 22 декабрдан бошланган бўлиб, 2016 йилнинг 10 январигача давом этади, — дейди **Республика қўғирчоқ театри бош режиссёри Шаҳноза Ишмуҳамедова.** — Тадбирларимизда Соғлом она ва бола йилига алоҳида эътибор қаратдик. Эртак қаҳрамонлари ҳам болажонлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этади.

Ҳафтанинг тоқ кунлари «Новогодный калейдоскоп», жуфт кунлари «Янги йил мўъжизаси» номли театрлашган томошалар ҳар куни уч мартагача намойиш қилинади.

— Бизда янги йил тадбирлари 8 январгача давом этади, — дейди **Республика ёш томошабинлар театрининг адабий эмакдоши Елена Портенко.** — Мактаб ўқувчиларининг қишки таътили мароқли ўтиши учун барча имкониятлар ишга солинди. Тошкент давлат цирки майдонида Қорбобо ва Қорқиз, Шум бола ва бошқа эртак қаҳрамонлари, масхарабозлар иштирокида кунига икки марта театрлаштирилган Янги йил томошалари намойиш қилинаяпти. Қорбобо ва Қорқиз эртак қаҳрамонлари билан биргаликда болаларни саҳнага чорлаб, улар билан интерактив ўйинлар ўтказади. Бунда болалар бевосита томоша иштирокчисига айланадилар.

Асосий томошаларимиз театрнинг ўзида давом этади. Болажонларимиз учун рус тилида «Фунтикнинг саргузаштлари», ўзбек тилида «Аловуддиннинг сеҳрли чироғи» сингари спектакллар кунига уч мартагача намойиш этилади.

Мактаб ўқувчиларининг қишки таътили даврида истироҳат боғлари, марказий майдонлар, спорт саройларида Янги йил томошалари намойиш қилинмоқда. Меҳрибонлик уйлари, болалар шифохоналари, «SOS — болалар маҳалласи» ҳамда шаҳар ва туман марказларида ўтказилаётган янги йил арчаси болалар қувончига қувонч қўшмоқда.

**Нуруллоҳ ДОСТОН ёзиб олди.**

ОБ-ҲАВО 01-02.01 — 2016

Юртимиз бўйлаб (°C)

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +2 / +7 | +9 / +14 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +3 / +8 | +12 / +17 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари | +3 / +8 | +11 / +16 |
| Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари | +4 / +9 | +13 / +18 |
| Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари | +1 / +6 | +9 / +14 |
| Тошкент шаҳри | +5 / +7 | +13 / +15 |



Дунё бўйлаб (°C)

| | |
|---|---|
| Лондон | +9/ +11 |
| Париж | +10/ +12 |
| Москва | -12/ -13 |
| Мадрид | +13/ +11 |
| Пекин | +6/ +8 |
| Канберра | +34/ +29 |
| Рим | +13/ +12 |
| Афина | +7/ +12 |
| Токио | +12/ +13 |
| Стокгольм | +2/ -2 |
| Кейптаун | +30/ +29 |
| Қоҳира | +13/ +15 |
| Гавана | +32/ +29 |
| Вашингтон | +9/ +8 |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 152
17131 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.45
Topshirilgan vaqti — 21.10
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Temur XUDOYBERDIEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5